



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 200 (12.761)

Баҳоси эркин нарҳда

МДҲНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

МДҲ саммитининг асосий тадбирлари 10 октябрь кун бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар хавфсизликни таъминлаш, гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти МДҲ бевосита мулоқотни қўллаб-қувватлаш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини берадиган тузилма, аъзо давлатларни барқарор ривожлантириш, уларнинг савдо-иқтисодий салоҳиятини фаол ишга солиш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида ўзаро маъқул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қиладиган майдон эканини таъкидлади.

Ислоҳ Каримов саммит қатнашчилари эътиборини Ҳамдўстлик маконида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва уни тезроқ ишга тушириш зарурлигига қаратиб, бу ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун имкон қадар кўп шарт-шароит яратишини қайд этди.

Маълумки, МДҲ доирасида муайян йилларни гуманитар мавзу билан номлаш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш анъанага айланган. Саммит қатнашчилари МДҲда 2016 йилни таълим йили, деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДҲни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича асосий чора-тадбирлар режаси ижросининг бориши таҳлил этилди, қатор ташкилий масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамдўстликка раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Минска ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан музокара ўтказди.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон – Беларус муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалаларга қарашлари ўхшаш ва яқин. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Беларус Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерикларидан бири сифатида қарайди. Савдо қўлами йил сайин кенгаймоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш

ҳажми 193,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Беларусга экспорт қилинадиган пахта толаси, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар микдори муттасил ошмоқда. Беларусдан Ўзбекистонга оғир юк ташувчи автомобиллар ва тракторлар импорт қилинади. Айни пайтда мамлакатларимиз биржалари, савдо-саноат палаталари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мулоқотлар давом этмоқда.

Сўхбат чоғида ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар устувор экани, икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Беларус ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаолиятини кенгайтириш бу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларус маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Ўзбекистон вакиллари «Славянский базар в Витебске» халқаро санъат фестивалида, беларуслар «Шарк тароналари» халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент – Минск – Тошкент.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРИХ, МАДАНИЯТ ВА САЙЁҲЛИК»

Яқинда Барселонада мамлакатимизнинг Мадриддаги дипломатия ваколатхонаси ҳамда Испаниянинг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар институти — «Casa Asia» ҳамкорлигида ташкил этилган «Буюк Ипак йўлидаги Ўзбекистон: тарих, маданият ва сайёҳлик» мавзуга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Испания шарқшунослари бош котиби, профессор Хесус Хилнинг Буюк Ипак йўли пайдо бўлишининг тарихи ҳамда Ўзбекистоннинг кўҳна Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларининг мазкур тарихий йўлнинг тараққиётидаги ўрнига бағишланган тақдироти билан бошланди. Тарихчи олим қайд этганидек, тарихий қарвон йўллари мавжуд бўлган давр мобайнида ушбу шаҳарлар Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи асосий бўғини ҳисобланган ва улар орқали бутун Евроосиё бўйлаб нафақат қимматбаҳо маҳсулотлар олиб ўтилган, балки ғоялар, билимлар ва фикрлар алмашинувларида кўприк бўлган.

Буларнинг барчаси замонавий Ўзбекистон ҳудудида илм-фан, маданият, фалсафа, меъморчилик ривожланишига хизмат қилган. Маърузачи Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида ўзбек замини халқаро савдо ва сиёсий жараёнлар, маданий алмашувлар ва тамаддунлараро тўташув марказига айланишини таъкидлади.

Урта асрларда Испания элчиси ва саёҳатчиси Руи Гонсалес де Клавихоннинг Самарқандга дипломатия миссияси ҳамда унинг соҳибқирон Амир Темур томонидан яратилган қудратли империяси ҳақидаги ҳикоялари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Буюк Ипак йўли мавзусини давом эттирар экан, тарихшунос Фермин Гусиса тадбир қатнашчиларини ўзбек халқининг ноёб тарихий-маданий мероси ва анъаналари, мамлакатимизнинг табиий ранг-барангликлари ҳамда диққатга сазовор қадимжолари билан таништирди. У Испания жамоатчилиги вакиллари Ўзбекистонга боришга ва уларнинг барчасини ўз кўзлари билан кўришга даъват этди.

Шунингдек, тадбир чоғида мамлакатимиз ҳукумати томонидан сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш, ноёб меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, мазкур ёдгорликларнинг кўпгинаси ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган.

— Испанияда ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва анъаналарини ўрганишга нис-

батан қизиқиш каттадир, — деди «Casa Asia» институтининг директори **Рафаэль Буэно**. — Халқ дипломатияси нуқтаи назаридан Испаниядаги энг илғор ташкилотларнинг бири бўлган институтимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликдан, жумладан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдордир. Қўшма тадбирларимиз икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамжихатликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

— Буюк Ипак йўлининг деярли икки минг йиллик тарихи давомида Ўзбекистон доим унинг муҳим бўғини бўлиб келган, — деди профессор **Хесус Хил**. — Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг Шарқ жавоҳирлари ҳисобланиши беҳиз эмас. Бугун бутун дунё Али-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва ўзбек халқининг бошқа буюк аждодлари дунё илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини эътироф этмоқда. Уларнинг асарлари ва таълимотлари Буюк Ипак йўли орқали Европадаги етиб боргани ҳолда Уйғурчи даврининг юзага келишига катта тўғрилик берган.

— Мен бир неча маротаба Ўзбекистонга бориб, мамлакатнинг мустақил ривожланиш йиллари мобайнида қўлга киритган улкан ўзгаришларининг гувоҳи бўлганман, — дейди Испаниянинг «Catal Tours» сайёҳлик компанияси раҳбари **Цезарь Херрерио**. — Мен мамлакатда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбирлардан хайратга тушдим. Бугунги кунда Ўзбекистон қўлга киритган энг катта муваффақият — бу тинчлик ва хотиржамлик, деган фикрга қўйилмаган. Мен ҳам Ўзбекистонни минтақадаги барқарорлик ороли, деб ҳисоблайман. Осийшталлик ва фаровонлик эса сайёҳлик тараққиётининг гаровидир.

XIII – Осиё санъат фестивалида иштирок этиш учун Барселонага келган «Мумтоз Наво» мусиқа гуруҳининг чиқишлари тадбирнинг маданий қисмига алоҳида шукҳ бағишлади. Шунингдек, тадбир меҳмонлари ўзбек анъанавий миллий таомлари ва ширинликларидан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

«Жаҳон» АА
Мадрид



Мамлакатимизда кейинги йилларда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга бўлган ёндашув тубдан ўзгармоқда. Селекциячилар янги навларни яратишда аввало жаҳон бозори талабларини ҳисобга олмоқда. Бугун юртимизда асосан тезпишар, тола чиқиши 40 фозгача бўлган навлар районлаштирилган.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

Пахта тозалаш саноати — иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан. Айни пайтда тармоқ корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўрилмақда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим оми бўлаётди.

Дунёдаги кўплаб нуфузли компаниялар ўзбек пахтасини сотиб олиш ҳамда қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилишга интиломоқда. Бу заминимизда етиштирилаётган пахтани ўз вақтида, замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш ва ундан юқори сифатли тола олишни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Пахта хомашёсини дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самарадорлигини оширишда «Ўзпахта-саноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар муҳим ўрин тутди.

Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, пахта тозалаш корхоналарини модернизация қилиш орқали иш унумдорлигини ошириш, айниқса, тола ва момиқ ишлаб чиқариш сифатини янада яхшилаш чоралари кўрилмақда. Жорий йилда тизимдаги Манғит, Муз-

работ, Қизилқум ва Богот пахта тозалаш корхоналарида амалга оширилган модернизация ишлари натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб, маҳсулот сифатини янада яхшилашга эришилди. Бу корхоналар рентабеллигини оширишга, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришга хизмат қиладди.

Бундан ташқари, қийин тозаланадиган селекция навларида мансуб пахта хомашёсидан олинаётган олий ва яхши сифатли тола улушини кўпайтириш ҳамда жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам қатор юмушлар бажарилмоқда. Мисол учун, пахта тозалаш корхоналаридаги иссиқлик берувчи генераторлар замонавий, газ ва суюқ ёнилғида ишловчи генераторларга, унумдорлиги паст тозолагичлар самарадорлиги юқори бўлган «ХК», «УХК» линияларига алмаштирилди. Натижада жойларда ўртача бир кунлик ишлаб чиқариш кўрсаткичи 35-45 тоннадан 50-55 тоннага ошди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарилаётган пахта толаси ва бошқа маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини юқори даражада етказишда ушманинг барча ҳудудий бирлашмаларига ISO 9001 халқаро стандартининг тегишли талабларига жавоб берувчи сифат менежменти системасининг жорий этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида мазкур вазирлик ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Табиий офатларнинг хавфини камайтириш халқаро кунига бағишланган республика амалий семинари бўлиб ўтди.

● Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ижодкорлиги соҳасида амалга ошираётган ишлари юзасидан журналистларга батафсил маълумот берилди.

● Сирдарё вилояти Боёвут туманида ун ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Boyovent max profi» корхонаси фаолият бошлади. Энг замонавий технология линия билан жиҳозланган мазкур корхона бир кунда 90 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу ерда 48 йигит-қиз ишли бўлди. Йил охирига қадар унинг иккинчи навбати ҳам фойдаланишга топширилади. Шунда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, ишчи-хизматчилар сони ҳам ошади.

● «Кўқон ёғ-мой» очиқ акциядорлик жамиятида умумий қиймати 1 миллиард сўмлик техник ва технология янгиланиш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида ўсимлик ёғининг юқори сифатини кафолатлаш билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти юзага келди.

ЖАҲОНДА

● Швеция қироллиги Фанлар академияси Нобель мукофотининг кимё йўналиши бўйича соҳиблари номини маълум қилди. Кимё соҳасидаги нуфузли мукофот юқори ўлчамли микроскопия соҳасида амалдаги чегаралардан ўтиб, нанодунёни кузатиш имконини берувчи тизимни кашф этганликлари учун АҚШлик олимлар Эрик Бетциг ва Уильям Мернер ҳамда германиялик Штефан Хеллга насиб этди.

● АҚШ давлат котиби Жон Керри ер қуррасида иқлимнинг ўзгариши орқали юзага келаётган муаммоларни ечиш масалалари тобора қийинлашиб бораётганлиги боис 2015 йилда Парижда ўтказиладиган БМТнинг халқаро конференциясида иқлим ўзгаришига қарши курашга доир битимни имзолаш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

● Германия полицияси Эрондан мева-сабзавотларни олиб келаётган юк машинасига яширилган рекорд даражада кўп героин гиёҳванд моддасини мусодара қилишга муваффақ бўлганлигини маълум қилди. Гап шундаки, Эссен шаҳрида қиймати 60 миллион доллардан ортиқроқ бўлган 330 килограмм героин моддаси топилган. Бироқ ҳозирча пакетларга қадокланган героиннинг юк машинасига Эрон ёки Германия ҳудудида ортилганлиги аниқлангани йўқ. Ушбу жиноий иш юзасидан икки киши ҳибсга олинган.



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзпахтасаноат» уюшмасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида тизимдаги корхоналарда 2,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 106,3 фоизни ташкил этган. 2013 йилги пахта хомашёсини қайта ишлашдан тайёрланган пахта толасининг сифат кўрсаткичи 94,5 фоизга етказилиб, аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 2,4 фоизга ўсди. Айни шу омиллар ўзбек толасининг жаҳон бозоридаги мавқеини кўтарилган, унинг рақобатбардорлиги ва хариддорлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

Ўзбек толасининг жаҳон бозорига жадал қилиб боришида аъёновий Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасининг муҳим ўрни бор. Ўтган вақт мобайнида Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси (ICAC)нинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилгани боис мазкур ярмарка дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгилувчи нуфузли анжуманлардан бирига айланди. Бу йил ярмарка унинг бор ўтказилди. Шу муносабат билан айни пайтда унинг юқори савияда ўтишини таъминлаш, иштирокчиларни тармоқдаги янгилар билан яқиндан таништириш мақсадида пухта тайёргарлик кўрилмади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 23 майда Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ўтказишни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиши бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди. Ярмарка иштирокчилари Юқори Чирчиқ туманида жойлашган Ўзбекистон пахта тозалаш очик акциядорлик жамиятига боради. Меҳмонлар пахтани қайта ишлаш жараёнига татбиқ этилган замонавий технологиялар комплекси билан ақиндан танишиш борабариди, соҳа мутахассислари билан бевосита фикр алмашиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Корхонада босқичма-босқич амалга оширилаётган реконструкция ишлари туфайли у тармоқдаги йирик корхоналар қаторидан жой олди. Бу ерга эски технологиялар ўрнига хориждан замонавий куриштиш, саралаш, жилдлаш, ленталаш ускуналари келтириб ўрнатилган, иш унумдорлиги бир неча баробар ортди, сарфланган электр энергия микдори сезиларли даражада камайди.

Корхона устaxonаси, лаборатория ва тарозихонаси қайта таъмирланиб, ишчилар учун замонавий шaroитлар яратилди. Худудда ташкил этилган «қийқи боғ», ўндан ортик маиший хизмат кўрсатиш шoхoб-

чалари ишнинг нечоғли замонавий тарзда ташкил этилаётганининг далилидир.

Уюшма пахтани қайта ишлаш борасидаги қатор лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда «Бухоропахтасаноат» бирлашмаси иштирокида йиллик қуввати 3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш имкониятига эга «Асртекс» масъулияти чекланган жамияти, «Қашқадарёпахтасаноат» ва «Жиззахпахтасаноат» бирлашмалари тизимида замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга туширилди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида 2015-2016 йилларда йирик тўқимачилик корхоналарини ишга тушириш лойиҳалари борасида ҳам ишлар бошлаб юборилган. Қўнғирот ва Чимбой пахта тозалаш корхоналари негизда ип-калава, трикотаж мато ва тайёр тикув маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Ғузор ва Бешкент пахта тозалаш корхоналарининг бўш турган биноларда тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш каби лойиҳалар шулар сирасидандир.

«Ўзпахтасаноат» уюшмасида 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтаётган Х Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасининг юқори савияда ўтишини таъминлаш, 2014 йил пахта ҳосилини қабул қилиш ва сифатли сақлаш учун пухта тайёргарлик кўрилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ҲАМЛАКАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил 5-6-сон 97-модда), «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги тахрири) 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2008 йил 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилини керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйилмайдиган талабларни белгилаш бўйича туман маҳсус комиссиясининг 2014 йил 15 сентябрдаги баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 263 та ташкилотларда аҳолининг қўйидаги тоифалари учун жами 2822 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни ўйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш ҳавадига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

қондоғиронлар учун — меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ҳодимга иш жараёнида тўқсинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун — маҳсус малакаи талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунлашишдан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий микдорининг камиди 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелидан кейинки иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ахратий ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган қасблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шaroитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ўшбу қарорнинг ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 15-бандига мувофиқ жазима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган микдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ўшбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисmini туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Н.Норбаев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Мирзо Улуғбек туман ҳокимининг 2013 йил 30 сентябрдаги «Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2014 йилга мўлжалланган иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 609-сон қарори 2014 йил 31 декабрдан қўйиш учун қўйишдан деб ҳисоблансин.

8. Ўшбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўйиш қилиди.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Мирзо Улуғбек туман ҳокимининг ўринбосари А.Досмухамедов зиммасига юклатилсин.

Мирзо Улуғбек туман ҳокими
Ш.Ахмедов

2014 йил 30 сентябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Мирза Улуғбек туман ҳокими
Ш.Ахмедов

2014 йил 30 сентябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавият, мустақил, эркин фикрлай оладиган баркамол авлодни вояга етказиш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Тадбирлар

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

МК «Ватанпарвар» ташкилоти «YASHNOBOD O'QUV STK» унитар корхонасида бўлиб ўтган тадбир ҳам ёшларнинг фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳалардаги билимларини мустахкамлаш, уларни Ватанга содиқ фарзандлар этиб тарбиялаш масалаларига бағишланди.

— Ўшбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Ўртабшарнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш,

ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини ошириш билан бирга устоз-ўқитувчиларнинг меҳнатларини юксак баҳолашдир, — дейди «YASHNOBOD O'QUV STK» унитар корхонасининг маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Нилуфар Бозорова.

Тадбир доирасида муассасада фаолият олиб бораётган устоз ўқитувчилар ҳам шахмат-шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўзаро куч синашишди.

Гулнор САТТОВА

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Чинор» ноширлик компанияси ташаббуси билан экологлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди.

Унда мамлакатимиз табиятини муҳофаза қилиш, экологияни асраш борасида амалга оширилаётган ишлар, меъёрий ҳужжатлар, қонун ва қарорлар ижроси муҳима этилди. Шунингдек, экологияни асраш мақсадида оммавий

ахборот воситаларида чоп этилаётган мақолалар, «Чинор» ноширлик компанияси томонидан чоп этилаётган китоблар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир қатнашчиларига экологияни асраш мақса-

дида эълон қилинадиган материаллар билан танишиш имконияти туғилганлиги, яъни янги сайт фаолият бошлаганлиги эълон қилинди.

Тадбир якунида бу борада ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш, экологияни асраш бўйича ёшлар ўртасида ўқуштирилган республика кўрик-танлови якунлари муҳомаа этилиб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ЭЛЕКТРОН КИМОШДИ САВДОЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда электрон кимовиди савдоларнинг очик ва ошкоралигини таъминлаш орқали ушбу савдолар тизимини мақбуллаштириш, уларда кичик бизнес субъектларининг иштирокига ҳамда соҳада эришилган натижалар муҳомаасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хонашў биржаси билан ҳамкорликда ташкил этилди дея хабар беради ЎЗА.

Айни пайтда электрон шаклдаги корпоратив харидлар тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бугунги кунда рўйхатга олинган 2,9 мингдан кўпроқ буюртмачи ва 9 мингдан ортиқ таъминотчининг 93 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектларидир. Уларнинг корпоратив харидлар бўйича товар ва хизматлар етказиб беришдаги улуши тузилган шартномаларнинг 96 фоизини ва жами маблағлар микдорининг 95 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 5 апрелда қабул қилинган «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги «Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини электрон шаклдаги корпоратив харидлар тизимига кенг жалб этиш ҳамда ушбу тизимдаги жараёнлар очик-ошкоралигини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Муҳаммад ҚАРШИБОВЕВ

Qishloq Qurilish Bank

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА КЎМАКЛАШИБ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқий-норматив базанинг мустахкамлашиши фаолиятимизнинг ривожланишига, 2007 йилда хусусий корхона сифатида иш бошлаган босмахонамизнинг масъулияти чекланган жамият сифатида таркиб топишига сабаб бўлди.

Жамият сифатида фаолият бошлаган босмахонамизнинг ҳисоб рақамини юритиш учун ҳеч иккиланмай «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Банкнинг аҳолига кўрсатаётган сифатли хизмати ҳамда ходимларининг ўз ишига жиддий ёндашуви жамиятимиз аъзоларига маъқул бўлди. Шунинг учун ҳам бир неча йиллардан буён банкнинг доимий мижозимиз.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ўтган давр мобайнида «Қишлоқ қурилиш банк»дан босмахона фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларининг яратилиши борасида бир неча марта кредит олишга эришдик. Ахратилган кредитлар эвазига замонавий

Бизнинг «Toshkent tezkor bosmaxonasi» масъулияти чекланган жамиятимизнинг муваффақият билан фаолият юритиши юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг амалий натижасидир.

техника воситаларини олиб келиб ўрнатдик, сифатли хом ашё харид қилиб, маҳсулот тайёрлашда фойдаландик. Натижада ишимиз янада юришиб, олдинга силжиди. Даромадимиз ҳам шунга яраша ортди. Мижозларимизнинг маҳсулотларимиз сифатидан мамнунлиги бизни янада илҳомлантирди. Шу мақсадда жорий йилда ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш мақсадида кредит олишга қарор қилдик. Бизнес-режамизни тузиб банкка мурожаат қилдик. Тақдим этилган лойиҳа банк томонидан маъқулланди ва банкдан 220 миллион сўм миқдорда кредит ажратиб берилди. Фойдаланилган молиявий маблағ натижасида 7 та янги иш ўринлари яратилди ва босмахонада ишлаётган ходимлар сони 50 нафардан ортди. Қувонарлиси эса, жамият ишчи-

лари таркибиде тажрибали техник ходимлар билан бир қаторда, касб-хунар коллежларининг битирувчилари — ёш мутахассислар ҳам бор.

Жамиятнинг бугунги кунда эришаётган муваффақияти ва ютуқлари — бизга хизмат кўрсатувчи банкнинг зарур вақтда молиявий кўмак бергани ҳамда лозим бўлганда маслаҳатини аямаганининг натижасидир, деб ўйлаймиз. Бунинг учун «Қишлоқ қурилиш банк» жамоасига ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Келажақда, корхонамиз бундан кейин ҳам ўшбу банк хизматларидан фойдаланган ҳолда ўзаро ишончли ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Миразиз САИДОВ,
«Toshkent tezkor bosmaxonasi»
МЧЖ раҳбари

Реклама ўрнида

Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз.

Ислом КАРИМОВ

Давра суҳбатида оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларини таъминлаштириш, ажримларга сабаб бўлувчи омилларнинг таҳлили, тўй-ҳашамларни тартибга солиш, яраштириш комиссияларининг фаолиятини кучайтириш, оилада маданий, тиббий, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш мавзуларида мулоҳазали, мушоҳадали, қизгин фикрлар билдирилди, тегишли тавсиялар берилди.

Оила сирли ва сехрли кўрган, уни ҳамиша обод айлагил.

Алишер НАВОЙИ

Фарида АБДУРАХИМОВА,
Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Оила — жамият негизи бўлиб, энг асосий тарбия маконидир. Миллий истиклол тушунчасини инсонлар қалби ва онгига сингдириш аввало, оиладан бошланади. Ўзбек оиласининг ўзига хослиги, файзу барокатга бойлиги, унда ўсиб-унган фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши, халқимизнинг азалдан бизга мерос бўлиб қолган қадриятларнинг эъзозланаётганлиги қувонардир. Давлатимиз оиланинг мустаҳкам бўлиши, ўғил-қизларнинг соғлом ва баркамол тарзда вояга етиши учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига оид 20 га яқин Фармонлари, ҳукуматимизнинг етмишдан ортиқ қарорлари каби, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари қабул қилиниб, оилаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари йўлида хизмат қилмоқда. Пойтахтимизда намунали, макташга сазовор, ибратли оилаларимиз жуда кўп, аммо шулар қаторида оғриқли нуқталаримиз бўлган ноқобил оилалар ҳам мавжуд. Ана шундай оилалар ажримларга сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда оиладаги маънавий муҳит ва ажримларга сабаб бўладиган омилларни таҳлил қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Айрим ёшларнинг мол-дунёга ружу қўйиши, манманликка берилиши, оиладаги маънавий негизнинг заифлиги, ўзаро келишмовчилик, келин ва кўёнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, ёш турмуш қуриш оқибатлари, эр ёки хотиннинг зарарли одатларга мойиллиги, фарзанд йўқлиги, бепушлик, қайнона, келин ёки бошқа қариндошларнинг зиддиятчи муносабатлари оилавий ажримларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Оила мўъжаз бир Ватан, жамият ўзаги, ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини таъминловчи, миллий қадриятларни ривожлантирувчи, авлодлар умр заنجирини мустаҳкамловчи, ахлоқий ва маънавий баркамол авлодни дунёга келтириб, уни комил инсон қилиб тарбияловчи муқаддас даргоҳдир. Шундай экан, оилавий ажримларнинг олдини олиш учун маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Яраштириш», «Тўй-ҳашамларни тартибга солиш» комиссиялари фаолиятини янада мувофиқлаштириш лозим. Таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, профилактика нозирлари, тиббиёт ходимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, «Камолот» ЁИХ, имом хатиб ва отинийлар ҳамкорлигини таъминлаш жоиздир.

Оилаларда ажримлар, ўзаро келишмовчилик, турли-туман нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун барчамиз бир ёқадан бош қарийиб ҳамкор, ҳамжihatликда узлуксиз равишда тарбиёт-ташвиқот ишларини олиб боришимиз лозим. Зеро, жамиятимизда оиланинг тинчлиги, хотиржамлиги Ватанимиз осойишталиги, тараққиёти ва фаровонлигини таъминлайди.

Омина КАРИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими:

— Биз ибод-ҳаё, одоб-ахлоқни энг юқорига қўйган ва унга амал қиладиган халқнинг фарзандларимиз. Қандай қилиб ота-оналар тўй бўлмасдан олдин, ҳар хил клипларнинг олинишига, бўлғуси келин-кўёнинг боғу тоғларга бемалол чиқиб келишларига йўл қўйишмоқда? Тўйхоналарда ўтириб ўша клипларни кўриб ёши улғурлар хижолат бўлмас. Зеро, ақли бўлган яхши, фаросатли бўлиш ундан-да яхши. Инсоннинг саломатлиги эса, унинг бебаҳо бойлигидир. Бироқ инсон жисмонан соғлом бўлса-ю, маънавий мажруҳликка юз тутса оила мустаҳкам бўла олмайди. Соҳибқирон Амир Темури «Биз йигит уйлантирмакчи бўлсак, қиз узатмакчи бўлсак, етти пушти-авлодини сориштирдик», деб «Темури тузуқлари» асарига баён қилган. Бинобарин, палага тоза полиз экинидан ширин-шакар қовун-тарвузлар етишганидек, етти пушти авлоди соғлом ўсган йигит-қизлар аҳди-паймон билан турмуш қуриб, ота-оналик меҳри билан фарзандларига яхши тарбия берсалар, уларнинг истикболини кўришга мушарраф бўлишлари шубҳасиз.

Убайдулла МИНОВВАРХУЖАЕВ,
Яшнобод туманидаги «Беҳизор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалла катта куч, улкан оиладир. Унинг аъзолари ўзаро ҳамдард, яхши ва ёмон кўнларда доимий ҳамроҳдир. Яқинда бир эр-хотин олдимида арз қилиб келди. Сабаби, янги келин қайнота ва қайнонани ҳовлидан ҳайдаб чиқарибди. Улар бир йилдан бери қизлариникида яшабди экан. Бу қандай хунук ҳолат. Ҳам афсусланасан, жажлинг чиқади, ҳам шундай ноқобил, тарбиясиз келинлар борлигидан уялиб кетасан. Қандай қилиб ўғил бу ҳолатга қараб турибди? Биласизми, агар мана шу ота ва она ўз ҳақ-ҳуқуқларини билганларида эди, ундан кетиб, қизлариникида яшаб юрмасдилар. Ахир ҳовли уларнинг номида бўлса, ўзлари меҳнат қилиб, иморат тиклаб яхши ниятлар билан келин туширган бўлсалар...

Биз маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида уларга тегишли йўл-йўриқларни кўрсатдик, кимларга мурожаат этишни айтдик ва бу оила бошлиқларининг ўз уйларида қайтишларига ёрдам бердик. Аммо қалбимиздаги оғриқ бизни безовта қилди. Айрим қизларимиз қачондан бунён бунчалар бемехр, андишасиз бўлиб қолмоқда? Демак, биз ота-оналар, маҳалла-

қўй, қўни-қўшни қўнгилдагидек ишламаямиз ёки ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилмаган, йўқса бундай ҳодисалар юз бермасди.

Хусниддин АБДУКАРИМОВ,
Чилонзор туманидаги «Бўрижар» жоме масжидининг имом-хатиби:

— Оиланинг тинч-тотувлиқда умр кечиришида эр-хотиннинг масъулияти катта. Оила фақатгина эр-хотиннинг тақдир эмас, жамиятнинг ҳам тақдир эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки оила жамиятнинг бошланғич ҳужайрасидир. Мен оилаларнинг тинч-тотув яшаши ва ажримларнинг олдини олиш учун қўйидаги тақлифларни бермоқчиман. Агар эр ўз оиласи ва оила аъзоларига меҳр бериб, улар хусусида қайғурмас экан, оила мустаҳкам бўлмайди. Эрак киши ҳар доим оилани сақлаб қолишда кашфиётчи бўлиши керак.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



Оила кичик жамият, фарзандлар униб-ўсадиган нурли гўша, одамзод туғилиб, вояга етадиган муқаддас даргоҳ. Эр-хотиннинг қўша қариши, умргузаронлик қилиши учун қўйилган муборак қадамдан юзага келувчи муҳташам қасрдир. Инсон оила гулзорига сайр этиш учун эмас, уни обод, гўзал ва нурафшон қилиш учун қиради. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Оқшом» газеталари ҳамкорлигида уюштирилган «Оила мустаҳкамлиги — юрт тинчлиги» мавзусидаги очик мулоқотда ҳам шу ҳақда сўз борди. Қўйида ушбу мулоқот ва унда билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўринли тақлифларни газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Дилором СУЛАЙМОНОВА,
Олмазор туман ФХД бўлими мудири:

— Оилани мустаҳкамлаш, оилавий низолар ва ажримларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир ФХД бўлими қошида «Ёш оила қурувчилар» мактаби мунтазам равишда фаолият юритиб келмоқда. Ушбу мактаб машғулотларига никоҳга кириш ҳақида ариза билан мурожаат этган никоҳланувчи ёшларнинг барчаси жалб этилмоқда. Мактаб машғулотларида никоҳ тузиш тартиби, шартлари, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, никоҳ шартномаси ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган бир қанча ижобий ишларга қарамастан, афсуски, оилавий ажралишларнинг кўпчилиги кишини ташвишга солади.

ФХД органи томонидан никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризани қабул қилишда ҳар бир эр-хотин билан алоҳида оила муқаддаслиги ва ажралиш сабаблари, уларни бартараф этиш ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Баъзи ҳолатларда ушбу суҳбатларга ёш эр-хотиннинг ота-оналари ҳам тақлиф этилади. Оилани асраб қолиш ва уни мустаҳкамлаш чораси сифатида никоҳдан ажралувчи шахсларга масалани яна бир бор чуқур ўйлаб қўришлари учун қонунда белгилаб қўйилган муддат бериллади, бу оилаларнинг яшаши жойи бўйича маҳаллаларнинг «Яраштириш» комиссияларига мурожаат қилишлари тавсия этилади. Баъзида йигитлар оилани моддий таъминлашга тайёр бўлмай, эрлик, оталик вазифаларини тўлиқ англамасдан туриб уйланаётти. Қизлар эса оилага руҳан ва жисмонан, маънан тайёр бўлмай, гўё бир кунлик ҳою-ҳавасни амалга ошириш учун турмуш қурмоқда. Бундай ҳолдан сўнг тўйдан кейинги ҳаётнинг яхши кечишига ким қафолат беради? Оилавий ажримлар оқибатида ярим етим бўлиб қолган болалар ота ёки она меҳридан мажрум бўлиб қоладилар.

Муқаддас РАЗЗОКОВА,
Маънавият тарғибот маркази Яшнобод туман бўлими раҳбари:

— Таҳлилларга қараганда, ажралганларнинг кўпчилиги ёш оилалар бўлиб, уларда ҳаётини қўнқима ва тажриба йўқлиги ҳамда бир-бирига ён босишни хоҳламаслиги ажралиш учун асосий сабаблардан бирига айланган. Ёшларнинг оила қуришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етуқлигининг паст даражадалиги оиланинг аҳил яшаб кетишида бир қанча муаммоларни юзага келтирмоқда ва ажримларга сабаб бўлмоқда.

Турли нохуш ҳолатларнинг асосий сабабларини ўрганиб, илмий таҳлил этилмаса, ажримлар ва ноқобил оилаларнинг кўпайиши каби салбий ҳолатларнинг олдини олиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши ту-

шунамиз. Оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг меҳнат қилишлари, жамоат ишларида фаол қатнашишлари ва бунинг оналик билан боғлаб қўшиб олиб борилиши учун яхши шароитлар яратиш, оиланинг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, жойлардаги «Оила» марказлари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш, оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрлашда ота-оналарнинг фаолиятларини таъминлаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш зарур.

Абдумажид АБДУЛЛАЕВ,
Олмазор туманидаги «Қорасарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— «Қорасарой» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Яраштириш» комиссияси аъзолари томонидан йигит ва қизларни ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан тўлиқ тайёрлаш ҳамда турмуш қураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамиятини тушунтириш, оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш борасида турли мавзулардаги давра суҳбатларига жалб этиб келинмоқда.

лиш лозим. Шу билан бирга маҳалла ҳамкорлигида доимий равишда ҳар бир оиланинг қатнашувини таъминлаган ҳолда маънавий-маърифий ва тарбиявий, тиббий мавзуларда тадбирларни ўтказиб бориш шарт. Ҳар бир маҳалладаги «Ота-оналар университети» машғулотларини тубдан қайта қўриб чиқиб, уни сабоқ мактабига айлантиришга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Шундагина ота-оналар ва ёшлар ҳам оила муқаддаслигини теран англаб борадилар.

Шоира ЗОКИРОВА,
Яшнобод туманидаги «Беҳизор» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Жамиятда никоҳ воситаси билан эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар тартибга солиб турилади. Оила инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойи ҳисобланади. Шунингдек, оила асосий тарбия маскани ҳамдир. Оила негизини мустаҳкамлаш, маънавий баркамоллигини таъминлашда оила аъзолари ҳар томонлама мукамал ва баркамол бўлмоғи лозим. Айниқса оналаримиз. Чунки қиздир, ўғилдир, уларнинг тарбиясида онанинг алоҳида ўрни ва вазифаси бор. Агар хонадонда вояга етаётган фарзандларимизга оналик меҳрини меъёрида берсак, одамийлик одобини вақтида ўргата олсак, оиланинг муқаддаслигини ёшлагиданок тушунтириб борсак жамиятимизда ажралишлар сони кескин камаярди.

Одамийликни одат қилинг, шунда оилангиз тинч, бахтингиз бутун, фарзандларингиз солиҳ, хонадонингиз файзу баракага бўлади.
БЕДИЛ

Гулнора ИНОМЖОНОВА,

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди:

— Республикаимиз мустақилликка эришганидан бери оилага муқаддас даргоҳ сифатида катта эътибор берилмоқда. Оила фарзандларни дунёга келтириш ҳамда уларга тўғри тарбия бериш каби иккита вазифани бажаради. Буюк мақсадни ўз зиммасига олган ота-оналар олдида шундай вазифалар туради, уларни унуттиш мумкин эмас. Оилавий масъулиятни бўйнига олган, аждодларимизга хос тарбиявий аҳамиятга молик қадриятлар мазмун-моҳиятини англаб етган ёшларгина оила қуришга тайёр ҳисобланади. Бугунги кунда «Никоҳ шартномаси»нинг мазмун-моҳиятини турмуш қураётган ёшларга тушунтиришимиз ва шу асосда оила қуришга уларни тайёрлаб боришимиз лозим. Ёшларнинг оила ва никоҳ муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун «Никоҳ шартномаси»ни миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни инобатга олган ҳолда қайта ишлаб чиқиш ва маҳаллаларда фаолият юритаётган «Ота-оналар» университети қошидаги «Қайноналар мактаби» фаолиятини изчил йўлга қўйишни жоиз деб биламан. Оилани доимо авайлаб-асрашимиз, уни мустаҳкамлаш, ўзаро оилавий низоларни бартараф этиш, атроф-муҳитдаги турли таҳдидлардан муҳофаза қилиб, унга доимо меҳр-оқибат ва садоқат юзасидан ёндашшимиз лозим.

Баҳодир ЗИЁВИДДИНОВ,
«Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани Кенгаши раиси:

— Мен, ёшларнинг оилада бахтиёр яшаши учун уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, бурч ва масъулиятларини пухта билишларини зарур деб тушунаман. «Оила» кодекси талабларига мувофиқ балоғат ёшига етган йигит-қиз оила қуришлари мумкин. Лекин, улар аввало тиббий кўриқдан ўтишлари, бир-бирларини синашлари мақсадга мувофиқдир.

Нафиса ҚОРАБОЕВА,
Учтепа туманининг бош отинийси:

— Жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оилада тинчлик-тотувлик ҳукм суриши, бурч ва масъулиятларини пухта билишларига бардош бериб, халқимизда айтилганидек, «Сув келса симириб, тош келса кемириб» яшаши лозим. Баъзида айрим ёшларни кузатсангиз оила ташвишларига бардош бера олмай, арзимас баҳоналар билан турмуш деб аталмиш муқаддас кўрган бузилиб кетмоқда. Оқибатда гўдаклар тирик етим бўлиб қолмоқда. Мен шунинг тавсия қилардимки, ажримларнинг олдини олиш учун маҳалла биринчи навбатда, нотинч оилаларни ўрганиши керак. Жамоатчилик гуруҳлари ўзларининг фаол аъзолари билан биргаликда маҳаллада истиқомат қиладиган намунали оилаларнинг қайнота-қайноналари билан турли маслаҳатлар бериш, ўғитлар, тушунтириш ишлари олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.


Зебиннисо МУХСИНОВА,
«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:

— Ёшлар ҳаётидаги муҳим босқичлардан бири камол топиш ҳисобланади. Оилани муқаддас дейишда, «турмушнинг муштика чидаш керак» деган сўзлар ҳам тез-тез қулқоқ чалиниб туради. Ёшлар оила деганда нимани тасаввур қилишди? Ёки оила сўзи уларда қандай ҳисларни уйғотди? Ёшлар вақили сифатида тенгдошларим орасидаги баъзи фикрларни санаб ўтмоқчиман. Айримлар турмушнинг асоси тўй, никоҳ маросими, ким-матбаҳо келинлик либоси-ю ҳашамдор тўйхона, сарпо-суруқнинг зўрию Фарбдан ўзлашган урф-одатлар деб ҳисобланади. Ахир буларнинг барчаси бахтли турмушнинг мезони эмаску. Фикримча, айрим ёшларнинг онгига қандайдир ёт гоёлар пайдо бўлмоқда. Азизлар, қарс бир кўндан чиқмайди. Бу мавзуда ота-оналар ҳам сахнада бош роль ижроқилиди, уларнинг фарзанд тарбиясидаги ҳамда унинг ҳаётидаги турмуш қуришдек муҳим қарорда ўз ўринлари бор. Тўғри, беш қўл баробар эмас, лекин, ота-оналаримиз баъзида хатоликка йўл қўйишмаяптими, илгари кўёвларнинг мол-мулкига қараб эмас, хунари ва тадбиркорлигига қараб баҳоланарди, бугунги кундаги кўёв ва келинларга қўйиладиган мезон бунинг акси. Албатта ҳамма шундай демокчи эмасмиз. Аксинча ёшларга ФХД бўлимларидан никоҳдан ўтишдан олдин экспертлар хулосасини тақдим этиш керак деган фикрдам.

Давра суҳбатини Шоира МУХАМЕДОВА ва Гулчехра ДҲРДИЕВА ёзиб олди.

ДИҚҚАТ, ВИКТОРИНА ДАВОМ ЭТАДИ!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Буюк Соҳибқирон Амир Темурга унинг номи билан аталадиган майдондаги улугвор ҳайкал қачон қўйилган?

САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ
БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш бораида Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида табиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усуллари жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсимирлар касалликларининг олдини олиш бораида қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда ушбу қарор ижросини таъминлаш бораида жойларда турли мавзуларда тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Жумладан, мазкур қарор ижроси йўлида октябрь ойининг «Репродуктив саломатлик ойлиги» деб эълон қилиниши ҳам бу борада олиб борилаётган ишларнинг давомийлигини кўрсатмоқда.

Саломатлик ва табиий статистика институти, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш бош бoshқармаси, даволаш-профилактика муассасалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЕИХ шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ойлик доирасида аҳоли саломатлигини яхшилаш, муҳофаза ва мустаҳкамлашга қаратилган давра суҳбатлари ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент меҳмонхона ва сервис хизмати кўрсатиш касб-хунар коллежидан ўтказилган тадбирда ҳам табиий маданиятни олиб олиш, турли касалликларнинг олдини олиш, ўсимир қизлар гигиенаси, рационал овқатланиш ва камқонлиқнинг олдини олиш, болалар парварishi каби мавзуларда суз борди.

— «Репродуктив саломатлик ойлиги» доирасида ўтказиладиган барча тадбирларимиз инсон саломат-

лигини яхшилаш ва турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган, — дейди Саломатлик ва табиий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори ўринбосари Азизбек Низомов. — Ушбу ойлиқни ўтказишдан мақсад ҳам соғлом оилани шакллантириш, юкумли ва юкумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш бораида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришдан иборатдир. Учрашувларда эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатларнинг инсон соғлиғига нўжўя таъсири, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалар парварishi хусусида малакали мутахассисларимиз томонидан керакли маслаҳатлар, йўриқномалар бериб борилади.

Тадбирда, 46-оилавий поликлиника шифокорлари, шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази, Саломатлик ва табиий статистика институти шаҳар филиали ходимлари турли касалликларнинг олдини олиш бўйича ўқувчиларга батафсил маълумот берди.

Шунингдек, видеонамоишлар, турли тақдиротлар ва кўргазмаларнинг уюштирилиши, ўқувчиларга манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънан етук, баркамол шахс бўлиб вояга етишлари йўлида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кишини қувонтиради.

Таълим

МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИЛДИ

Жумладан, кейинги йилларда таълим масканларида ўқувчиларга сабоқ бераётган ўқитувчилар замонавий педагогик технологиялардан, компьютер ҳамда мультимедия воситаларидан кенг фойдаланишмоқда. Ўқувчиларга интерфол усулларда, нонъанавий ўқув қуролларидан фойда-

ланган ҳолда сабоқ берилса, албатта бу ёшларнинг дарсга қизиқшини янада кучайтиради.

Яқинда Юнусобод туманидаги 274-мактабда бошланғич синф ўқувчилари иштирокида очик дарс ташкил этилди. Унда ўқувчиларга мультимедия воситалари асосида сабоқ берган

муаллимлар шогирдларининг жавобларидан қониқиб ҳосил қилишди. Чунки ҳар бир фан бўйича ўқувчиларга мультимедия воситаларидан фойдаланган ҳолда сабоқ берилганда уларнинг ушбу фанни тушунишлари осон кечди.

Акбар Йўлдошев

Кўргазмалар

БУЮМЛАРДА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АКСИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари музейида кулолчилик санъати бўйича ижодкор расом Фания Деденёванинг «Замонарли боғлайдиган сопол буюмлар» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Маълумки, кулолчилик санъати диёримизда қадимги хунарлардан саналади. Бугунги кунда расомларимиз кулолчиликка янгича қиёфа ва ранг бахш этиб, мазмунан бойитиб, сопол буюмларга замонавий тус бермоқда. Шундай ижодкорлардан бири Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси Ф.Деденёвадир. У 1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳрибонлик уйида тарбияланган. Беньков номли республика расомлик билим юртида тахсил олган. Меҳнат фаолияти давомида ўз устида ишлади, маҳорати ошди. Халқаро ва республика миқёсидаги турли кўрик-танловлар, кўргазмалар иштирокиси бўлди. Унинг ишлари қатор хорижий мамлакатлар музейлари, хусусий коллекциялардан жой олган. Ҳозирда санъат сирларини ёшларга ўргатишда фаоллик кўрсатмоқда. Шунинг билан керакли, ушбу экспозициядан жой олган буюмларда миллий руҳ уфуриб турибди. Айниқса мамлакатимизнинг тарихий

шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент меъморий ёдгорликлари тасвирлари туширилган лаганлар киши эътиборини тортади.

Кўргазманинг очилишида расомлар, турли касб эгалари, Мудофаа вазирлиги тасарруфидagi ҳарбий хизматчилар, республика дизайн коллежи ва республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат коллежи ўқувчилари, ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Кўргазма томошабинларда, айниқса коллеж ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Биз республика дизайн коллежининг ўқитувчиси Валерия Ильинани суҳбатга тортидик. У биз билан суҳбатда экспозициядан жой олган ишлар бу ерга келган ўқувчиларни ўз мутахассисликларини пухта эгаллашга руҳлантирибгина қолмай, муаллиф ижодидаги янги услублар билан танишишлариға имкон яратганини таъкидлаб ўтди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яққасарой тумани СИБ томонидан Жиноят ишлар бўйича Юнусобод туман судининг 21.12.2012 йилдаги 1-1030/12-сонли ижро варақасига асосан: Бошланғич нархи — 183 200 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур 2-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 398,77 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 231,50 кв.м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 95,69 кв.м.дан иборат бўлган «турар жой (хўли)» қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2014 йилнинг 11 ноябрь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 хисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 17.00 да тўхтаилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ
АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси томонидан он-лайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжати расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун аризалар odnokoo.uz интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш он-лайн-аризани орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун он-лайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — «Ергодезкадастр» давлат кўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қўлай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳудудий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

№	Бошқарма ва туман бўлимлари	Ишонч телефони рақамлари
1	Бошқарманинг навбатчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир туман бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улугбек туман бўлими	237-44-82
4	Миробод туман бўлими	215-67-07
5	Олмазор туман бўлими	228-01-00
6	Сергели туман бўлими	258-75-71
7	Учтепа туман бўлими	271-52-06
8	Чилонзор туман бўлими	271-12-56
9	Шайхонтоҳур туман бўлими	230-31-85
10	Юнусобод туман бўлими	234-20-67
11	Яққасарой туман бўлими	250-13-66
12	Яшнобод туман бўлими	289-59-88

Xususiy aksiyadorlik tijorat banki
RAVNAQ-BANK

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирининг тасдиқла-ниши муносабати билан «Ravnaq-bank» ХОАТБ акциядорларининг 2014 йил 30 июлдаги умумий йиғилиши қарори билан банк номи ўзгартирилди. Банкнинг янги номи - «Ravnaq-bank» хусусий акциядорлик тижорат банки («Ravnaq-bank» ХАТБ) бўлди.



ража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 14 октябрда Тош-

Тошкент шаҳрида кент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво му-риб туради, ёгингарчилик ҳисоби зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига 3-8 метр тезикда ша-имконият яратади, иф-мол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 20-22 да-бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 15 октябрда чиқади).

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИМанзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Бурюрта Г- 1055ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 5632007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинганҲажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5720 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акматали АҚМОВ